

# Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 9-fevral, payshanba

№ 6 (9222)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti\_gazetasi

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA INSON ХУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам муҳимдир.

2020-2024 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада такомиллаштириш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 76-сессияси** ҳамда **Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги ташаббус ва таклифларини** амалга ошириш доирасида 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида **“Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” Глобал форуми** ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим** бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, илгор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда **кенг жамоатчилик муҳокамаси, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар** натижасида ишлаб чиқилган:

**Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури** (кейинги ўринларда – Миллий таълим дастури) 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури**ни амалга ошириш бўйича **“Йўл харитаси”** (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг **тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши** учун **шахсан жавобгар эканлиги** кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги **Жаҳон таълим дастури**нинг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия (кейинги ўринларда – Миллий комиссия) (А. Саидов) **Миллий таълим дастури** ва **“Йўл харитаси”**нинг амалга оширилиши юзасидан:

мунтазам **мониторинг** олиб бориб, чора-тадбирлар **сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши** бўйича **таклиф ва тавсияларни** тегишли вазирлик ва идораларга киритиб борсин;

доимий равишда **аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар** акс эттирилган **батафсил ахборотнинг** расмий веб-саҳифаларда ва оммавий ахборот воситаларида жойлаштириб борилишини таъминласин;

**ҳар олти ойда** Олий Мажлис палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Президентига **умумлаштирилган маълумот киритиб борсин**;

**ахборот-таҳлилий шарҳлар** тайёрлаши, хорижий тилларга таржима қилиниши ва **эълон қилинишини** таъминласин.

(Давоми 2-саҳифада)



НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ

## КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Наманган туманининг Олахамак маҳалласида барпо этилган марказнинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳамда туман секторлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, нурунийлар ва ёшлар вакиллари иштирок этди.

Маросимда вилоят ҳокими Шавкат Абдуразоқов мазкур мономарказнинг ижтимоий катта аҳамиятини таъкидлаб:

– Муҳтарам Президентимиз яқинда вилоятлардан бирига ташрифлари чоғида “Илгари ёшлар касб эгаллаши учун Тошкентга ёки бошқа шаҳарларга борарди. Энди ўша шароитларнинг ўзи ёшларнинг олдида келаяпти.

(Давоми 2-саҳифада)



## ЖИЗЗАХДА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ БУТЛОВЧИ ҚИСМАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Жиззах вилоятида жорий йилда жами 24,7 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни татбиқ этиш режалаштирилмоқда.



Жумладан, 13,7 минг гектарда томчилатиб, 2,5 минг гектарда ёмғирлатиб суғориш усули йўлга қўйилади. Тежамкор суғориш технологияларининг катта қисмини тайёрлаб бе-

ришни “Жиззах” махсус индустриал зонасида МЧЖ шаклидаги “Master Bilding Products” ўзбек-турк қўшма корхонаси ўз зиммасига олган.

Сув ҳўжалиги вазирининг ўрин-

босари Рустам Қаршиев Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси масъуллари ҳамроҳлигида ушбу корхонада бўлиб, тайёрланаётган маҳсулотларни кўздан кечирди.

– Вилоятдаги барча туманлар, шунингдек, республикаимизнинг бошқа бир қатор ҳудудларидаги ҳўжалик юртувчи субъектлар билан сув тежовчи технологияларни етказиб бериш бўйича шартномалар имзолаганимиз, – дейди жамият бош хосилоти Рискул Улуғмирзаев. – Айни кунларда бу борадаги ишлар қизгин олиб бориляпти. Зиммамиздаги вазифаларни вегетация мавсуми бошлангунга қадар якунига етказишимиз керак.

Сирдарё-Зарафшон ИТХБ матбуот хизмати

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ШАРТНОМА АСОСИДА ФОЙДАЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Мазкур лойиҳа бўйича қишлоқ ҳўжалиги вазири ўринбосари Шўҳрат Мирзаев қўйдағиларга тўхталиб ўтди.

– Бугунги кунда фермер ҳўжаликлари фаолиятига оид асосий қонун ҳужжати “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳисобланади. Ушбу қонун бугунги аграр

хизматларини кўрсатиш бўйича шартномага мувофиқ фойдаланиши, сувни тежаш, сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини қўриши масалалари ҳам ўз аксини топган. Ўз навбатида, туман ирригация бўлимлари билан сув етказиб бериш ва сув ҳўжалиги хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган



соҳадаги ислохотларга мос равишда такомиллаштириб борилиши лозим. Қонуннинг 6-моддаси 2-қисмида фермер ҳўжалиги ташкил этилиши учун унинг бошлиғи белгиланган тартибда ер участкаси олиши кераклиги белгиланган. Аммо фермер ҳўжалиги ташкил этилиши учун ер участкасини олиш учун белгиланган ҳужжатда аниқ ҳавола келтирилмаган. Бу эса асосий ҳаволалар келтирилиши билан боғлиқ коррупциявий ҳолатларни юзага келтирмоқда.

Президентимизнинг тегишли қарорларига асосан 2020 йил ҳосилидан бошлаб пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилинган. Ушбу ўзгаришлар ҳам қонунчиликка ақс эттирилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида фермер ҳўжаликлари сув ресурсларидан туман ирригация бўлимлари ўртасида сув етказиб бериш ва сув ҳўжалиги

шартнома талабларига мувофиқ суғориш тармоқларини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этилиши аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан фермер ҳўжаликлари фаолиятидан иқтисодий манфаатдорлиги ошади, – деди вазир ўринбосари Шўҳрат Мирзаев.

Муҳокамаларда сўз олган депутатлар аграр соҳадаги жараёнлардан келиб чиқиб таклиф ва тавсиялар билдирди. Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Муҳтарам КОМИЛОВА, ЎЗА мухбири.

## Пресс-тур

# ТўДАКЎЛ СУВ ҲАВЗАСИ

## ЖУРНАЛИСТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон диёрида сувда сузувчи қушлар яшаши учун халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқлик ҳудудлари талайгина. Улардан бири Тўдакўл сув ҳавзасидир. 2 февраль – “Бутунжаҳон сув-ботқоқлик ҳудудлари кўни” муносабати биланбир гуруҳ навоийлик ОАВ вакиллари иштирокида ушбу сув ҳавзасига пресс-тур ташкил қилинди. Навоий вилояти Экология

бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида вилоятнинг Қизилтепа туманидаги Халқаро Рамсар Конвенциясига киритилган Тўдакўл сув ҳавзаси ҳудудида вилоятдаги оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ва пресс-тур ташкил этилди.

(Давоми 3-саҳифада)



Хар йили "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва инновациялар" миллий танлови ўтказилади

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Белгилансинки, ахборот-таҳлилий шарҳлар ва уларнинг таржималарини чоп этиш ва эълон қилиш билан боғлиқ харажатлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига (кейинги ўринларда – Марказ) Давлат бюджети доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

4. "Йул харитаси"да белгиланган масъул ижрочилар ўзларига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ишчи органи – Марказга тақдим этиб борсин.

5. Олий Мажлис палаталари Миллий комиссиянинг Миллий таълим дастури ва "Йул харитаси"нинг ижро ҳолати юзасидан ахборотини эшитиш ва танқидий муҳокама қилиб бориш тавсия этилсин.

6. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб профессионал ва олий таълим тизимида "Инсон ҳуқуқлари", "Аёллар ҳуқуқлари", "Бола ҳуқуқлари" бўйича тегишли ўқув ва махсус курслар жорий этилсин.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Марказ билан биргаликда 2023 йил 1 июнга қадар "Инсон ҳуқуқлари", "Аёллар ҳуқуқлари", "Бола ҳуқуқлари" бўйича ўқув ва махсус курслар жорий этиладиган профессионал ва олий таълим ташкилотларининг аниқ рўйхатини шакллантириш ҳамда тегишли ўқув дастурларини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 июндан бошлаб Марказ томонидан ҳар йили:

"Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва инновациялар" миллий танлови ўтказиб борилади;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқлари йўналишларида фаолияти мазкур шахслар билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилотларда ўқув курслари ва семинар-тренинглари ташкиллаштирилади.

Марказ:

а) уч ой муддатда:

Миллий танловни ўтказиш бўйича Низом ва дастурни ишлаб чиқсин ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиб, тасдиқласин;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқлари йўналишларида тегишли ташкилотларда ўқув курслари ва семинар-тренинглари ўтказиш бўйича режа-графикни тасдиқласин;

б) 2023 йил 1 апрелга қадар: "Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари", "Инсон ҳуқуқлари", "Бола ҳуқуқлари", "Аёллар ҳуқуқлари", "Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари" туркум қўлланма ва рисоаларни тайёрлаш ва чоп этиш чораларини кўрсин;

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича электрон платформани яратиб, ишга туширсин.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган топшириқларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Марказга Давлат бюджети доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

8. 2023 йил 1 мартдан бошлаб терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қийноққа солишга қарши курашиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари доимий равишда ташкил этилсин.

Марказ ва Бош прокуратура: мазкур ўқув курсларини ташкил этиш учун масъул этиб белгилансин;

икки ҳафта муддатда қийноққа солишга қарши курашиш бўйича ўқув курсларини ўтказиш графикни тасдиқласин.

9. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (О. Хасанов) Давлат бошқаруви академияси (А. Бекмуродов) билан биргаликда:

2023 йил 1 майдан бошлаб раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича ўқув курслари (соатлари)ни жорий қилсин. Бунда, мазкур ўқув курсларини Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш

бўйича электрон платформаси орқали ташкил этишга рухсат этилсин;

2023 йил 1 апрелга қадар Марказ билан биргаликда соҳаларнинг ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик масалалари бўйича ўқув курслари модули ва дастурини ишлаб чиқсин.

10. Миллий комиссиянинг: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказларида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги адабиётлар йўналишини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказлари фондини Марказ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича тизимлашган илмий-ҳуқуқий манбалар билан доимий таъминлаб бориш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Марказ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказларини:

халқаро шартномаларнинг давлат тилидаги тўпламлари;

инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув, илмий-услубий ва халқаро нашрлар;

инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар бўйича юритилаётган хронология материаллари билан тизимли равишда таъминлаб бориш.

12. Марказнинг жорий йилнинг февраль ойида мамлакатимизда "Инсон ҳуқуқлари" ҳафталигини ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Марказ:

а) бир ҳафта муддатда "Инсон ҳуқуқлари" ҳафталигини ўтказиш дастурини тасдиқласин;

б) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда давлат таълим муассасаларида:

"Хуқуқий саводхонлик ойлиги" доирасида ўтказиладиган тадбирларда "Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари" мавзусига алоҳида эътибор қаратилиши;

2023 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан ўтказиладиган кўрик-танловларда аёллар, бола ва ёшлар ҳуқуқлари масалалари қамраб олинишини

таъминласин;

в) Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда маҳаллаларда ёшлар иштирокида "Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият" мавзусида турли даражадаги маърифий анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувларнинг ўтказилиши, шу жумладан, уларнинг видеоконференцалоқа орқали Марказ ходимлари иштирокида ташкил этиш;

г) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев) ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) билан биргаликда "Инсон ҳуқуқлари" ҳафталигини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш чораларини кўрсин.

13. "Эл-юрт умиди" жамғармаси очиқ стипендия танловлари асосида хорижда бакалаврият, магистратура ва докторантурада таълим олиш ҳамда малака ошириш дастурларининг мақсадли кўрсаткичларини тузишда инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича буюртмачи вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кучимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Халқаро пресс-клуб (Ш.Кудратхўжаев):

ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида тушунтирилишини; Миллий таълим дастурининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотларнинг кенг жамоатчиликка тезкор етказилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Марказ директори А.Х.Саидов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 7 февраль



## КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Мақсадимиз – аҳолини касб-ҳунарли қилиш. Яхши ҳунари бор одам ишсиз қолмайди", деган фикрларни билдирдилар, – деди. – Вилоятимиз ёшлари га замонавий касбий таълимни эгаллаш имконияти яратилган ушбу марказ давлатимиз раҳбарининг шундай эзгу мақсадларининг рўёби йўлида барпо этилдики, юзга яқин кичик саноат зоналари вилоят драйвери сифатида ривожланаётган ва уларда тадбиркорлар томондан ишга туширилган юзлаб корхоналарда малакали мутахассислар етишмаётган бугунги кунда бу лойиҳа муҳим аҳамият касб этади.

Ишсиз фуқароларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Бандликка кўмаклашиш жамғармаси



ҳамкорлигида ташкил этилган Наманган касб-ҳунарга ўқитиш марказига 12 млрд. 700 млн. сўм маблағ сарфланиб, бу ерда 17 та касб йўналиши бўйича ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Амалиётга асосий эътибор қаратилган ушбу ўқув марказида бир вақтда 648 нафар ишсиз фуқарони касбга ўқитиш имконияти мавжуд. Ўқувчилар 3 ойлик курсларда касбий таълим олишади. Ногиронлиги бўлган ўқувчиларга базавий ҳисоблаш

миқдорининг 2 баробари миқдорда стипендия ҳам берилади. Марказда тадбиркорлар ёшларни ўзлари учун зарур бўлган мутахассислик, касб-ҳунарга ўқитиб олишлари мумкин.

Шунингдек, бугун хорижда ишлаш истагидаги ёшлар ҳам оддий ишчи бўлиб эмас, қонуний асосда малакали мутахассис сифатида бориб ишлашлари учун, хорижда ишлашга кетишдан олдин фуқароларни касб-ҳунарга ва хорижий тилларга ўқитиш, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро сертификатлар олишга кўмаклашиш борасида бугун фойдаланишга топширилаётган мактаб катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Рамзий лента қирқилиб, марказ очилгач, маросим иштирокчилари мактабда ташкил этилган ўқув-амалиёт имкониятлари билан танишдилар.

Акрамжон САТТОНОВ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

## ЯҚИНДА БАҲОР КЕЛАДИ

далаларда қўқламги юмушларга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда

Бу йилги табиий шароит деҳқону фермерларимиз олдига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Боиси, айна қиш чилласида юз берган аномал совуқ экин-тикинларга, тоқзору боғларга, хусусан, ғалла майсаларига қанчалик таъсир қилганлигини аниқ рақамларда ҳали ҳеч ким ҳисоб-китоб қила олгани йўқ.

Бу борадаги ҳақиқий ҳолат ҳаво ҳарорати мўтадиллашиб, кунлар исий бошлагани сайин янада яққолроқ кўзга ташланаверади. Масалан, тупроқ қатлами чуқур музлаганлиги боис кўмилган тоқларнинг ёш новдаларига шикаст етганлиги эҳтимоли бор. Ўтган йили экилган навқирон тут ниҳоллари ҳолатини ҳам зийрак кузатиб турмоқ керак. Кузда ўз вақтида экилиб, совуқ бошлангунча тўлиқ туплани олган ғалла майсалари анча бакувватлашиб қишга кирган. Аммо жойларда ўрганишлар шунинг кўрсатмоқдаки, кечикиброқ экилган ғалла майсалари совуқ сабаб бир мунча нимжонлашиб қолган. Бундай ғалла майдонларида тезда қўшимча озиклантириш билан агротехник тадбир-

ларни ўтказиш зарурати бор. Умуман олганда вилоятдаги бу йилги шароит ҳудудларнинг мавжуд табиий ҳолати ва экинлар ривожига қараб туманбай ишлашни ташкил этишни тақозо қилмоқда. Пискент тумани фермерлари билан ўтказилган баҳорги мавсумга қизгин ҳозирлик кўриш масаласига бағишланган учрашувда вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича биринчи ўринбосари Холмирза Ниёзов мазкур жиҳатга батафсил тўхтади. Тадбир иштирокчилари жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан яқиндан танишиш мақсадида автобусда ҳудудларни айландилар. Жумладан, Пискент ҳудудидан ўтган Тошкент – Бўка автомобил йўли ёқасидаги фермер хўжалиқлари

дала майдонларида мавсумий юмушларнинг қай даражада бажарилаётганлиги атрофлича кўриб чиқилди. Туманда бу йил 6 минг 761 гектар ерга чигит қадаш режалаштирилган. Айна вақтда 7 минг 655 гектар баҳорги мавсумга қизгин ҳозирлик кўриш масаласига бағишланган учрашувда вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича биринчи ўринбосари Холмирза Ниёзов мазкур жиҳатга батафсил тўхтади. Тадбир иштирокчилари жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан яқиндан танишиш мақсадида автобусда ҳудудларни айландилар. Жумладан, Пискент ҳудудидан ўтган Тошкент – Бўка автомобил йўли ёқасидаги фермер хўжалиқлари

сақлашда муҳим омил бўлган. Ҳозиргача далаларга фермерлар томонидан 19 минг тоннага яқин маҳаллий ўғит чиқарилган, 1316 та хандақлар тайёрланиб, ариқ ва зовурлар тўлиқ тозаланган. Шунингдек, баҳорги экиш мавсумига 93 та техника, культиватор ва сепалкалар шай ҳолга келтирилган. Шу кунларда дала четларига 22 минг туп тут ниҳоллари ўтқазилган.

Куннинг иккинчи ярмида туман пахта тозалаш корхонасида фермерлар билан мулоқотни давом эттирган мутахассислар техникаларнинг яна бир бор соғлигини кўздан кечирдилар. Аксарият фермерлар ўтган йили дала четларига, йўл бўйларига ток қўчатлари ўтқазиб, "яшил макон" кўкаламзорлаштириш тадбирлари доирасида янги боғлар ташкил этган эди. Ушбу масалада узум парварши бўйича ҳам фермерларга қимматли маслаҳатлар берилди, аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар, дала маданиятини ҳар томонлама ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашилди. Тадбир ниҳосида ош тортилиб, туман бош имом хатиби ва нурунийлар дуога қўл очиди, жорий йил ҳосилига қўт-барока тиладилар.

Иброҳим ТОШЕВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.

BUXORO VILOYATI

## O'Z O'ZINI BAND QILGANLAR BIROR TASHKILOTGA ISHGA KIRISHI MUMKINMI?

O'zini o'zi band qilgan shaxslar bemaol biror bir tashkilotga ishga kirib, mehnat shartnomasi tuzishlari mumkin. Lekin bu holatda ular o'zini o'zi band qilgan shaxslar maqomini yo'qotadilar (taksitlar bundan mustasno).



"Aholi bandligi to'g'risida"gi Qonunning 35-moddasi 4-qismiga ko'ra, o'zini o'zi band qilgan shaxslar sifatida ro'yxatga olingan shaxslar o'z faoliyatida yollanma xodimlar mehnatidan foydalanishga, shuningdek, ish beruvchiga ega bo'lishga haqli emas. Ushbu talablarga rioya etilmagan taqdirda, o'zini o'zi band qilgan shaxslar o'zini o'zi band qilgan shaxslar maqomini yo'qotadi. Faqat bir istisno mavjud. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 7-iyuldagi "Avtotransport vositalarini boshqarishda

va yo'nalishsiz taksi faoliyatini amalga oshirishda qo'shimcha qulayliklar yaratish to'g'risida"gi qaroriga ko'ra, boshqa sohalarda mehnat shartnomasiga asosan band bo'lgan shaxslar bir vaqtning o'zida yo'lovchilarni yengil avtotransport vositalarida tashish faoliyati bilan o'zini o'zi band qilgan shaxs sifatida ro'yxatdan o'tgan holda shug'ullanishlari mumkin.

Ilyos ISMATOV,  
G'ijduvon tumani yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti.



ОАВ вакиллари Тўдакўл ва Қуйимазор сув ҳавзаларига саёҳат қилишди

Боши 1-саҳифада

Дастлаб бу ерда вилоят Экология бошқармаси раҳбар ва мутахассислари, журналист ҳамда блогерлар иштирокида “Биологик хилма-хилликни сақлаш учун зарур бўлган сув-ботқоқлик ҳудудларининг тармоғини ривожлантириш ва бошқариш” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда вилоят Экология бошқармаси бошлиғи в.в.б. Х.Бақоев сўзга чиқиб, анжуман иштирокчиларига Рамсар Конвенциясининг мақсади, жўроғий жойлашишдан қатъий назар, биологик хилма-хилликни сақлаш учун зарур бўлган энг қимматли сув-ботқоқлик ҳудудларининг халқаро тармоғини ривожлантириш ва бошқариш, сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойларини химоя қилиш, бу борада Тўдакўл сув ҳавзасида давлат инспекторлари томонидан назорат тадбирлари доимий олиб борилаётганлиги юзасидан маълумотлар берди.

– Халқаро Рамсар Конвенцияси 1975 йилдан расман кучга кир-



Тўдакўл сув ҳавзаси журналистлар эътиборида

ган. Ҳозирги вақтда дунё бўйича халқаро аҳамиятга эга бўлган 2400 дан ортиқ сув-ботқоқлик ҳудудлари ушбу конвенция рўйхатига киритилган, – дейди Х.Бақоев. – Шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳам учта сув-ботқоқлик ҳудуди конвенция рўйхатига киритилган бўлиб, улардан бири Тўдакўл ва Қуйимазор сув-ботқоқлик ҳудудидир. Ушбу икки сув ҳавзасининг

умумий майдони 32 минг гектар бўлиб, бу ҳудудлар кўчиб юрвчи қушларнинг Марказий Осиёда учиб ўтиш йўлидаги муҳим тўхташ жойи ҳисобланади. Бу қушлар орасида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ноёб қушлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Мақсадимиз, табиат жонзотларини, ўсимликлар оламини асраш, она табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, сувда сузувчи қушлар учун муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни яратишдир.

Бундан ташқари, анжуманда Ўзбекистон Экология партияси Навоий вилояти Кенгаши раиси А.Жалилов ҳамда “Жонли табиат” ННТ раҳбари Э.Тоғаевлар ҳам сўзга чиқиб, ушбу ҳудуддаги сув-ботқоқлик ҳудудларини муҳофаза қилиш, бошқариш, улардан оқилона фойдаланиш, сувда сузувчи қушлар учун қулай муҳофаза ҳудудларини яратиш,



ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга қаратилган қўшма тадбирларни янада кучайтириш чора-тадбирлари бўйича ўз таклифларини беришди.

Матбуот анжумани давомида журналистлар соҳа мутахассисларидан кўтарилган мавзулар бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Шундан сўнг вилоят Экология бошқармаси мутахассислари ва ОАВ вакиллари иштирокида Тўдакўл

ва Қуйимазор сув ҳавзалари ҳудудларига пресс-тур ташкил қилинди. Пресс-тур доирасида иштирокчилар ушбу сув-ботқоқлик ҳудудларига саёҳат қилишди, у ердаги гўзал табиатни, сокин кўлдаги бетақор манзараларни томоша қилиб, бир олам таассуротлар билан қайтишди.

Раъно РАББИМОВА, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси Навоий вилояти бўлими мутахассиси.



Сирдарё вилояти

Балиқ етиштириш ҳажми ортмоқда

Сирдарё вилоятидаги сув ҳавзаларида лосось, форель, осётр, зоғора, оқ дўнг пешона, оқ амур каби ўндан ортиқ балиқ турлари парваришланмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 13 январдаги “Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори балиқчилик соҳасини ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Сирдарё вилоятида 371 та балиқчилик хўжаликлари ва уларга тегишли бўлган 10 минг 700 гектарли сунъий сув ҳавзалари, 500 гектар табиий сув ҳавзаларида балиқ етиштирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ижроси доирасида 11 миллиард 700 миллион сўмлик 10 та лойиҳа амалга оширилди.



Балиқчилик кредит олган эдик. Бу маблағ ишимизни янада ривожлантириш, балиқ етиштириш ҳажмини оширишга қўл келмоқда. Ишчи хизматчиларимиз 28 нафарни ташкил этади. Балиқ овлаш даврида уларнинг сони мавсумий ишчилар ҳисобига янада ошади. Ишчилар ўртача 4-5 миллион сўм миқдорда маош олади.

Балиқчилик сердаромад соҳа. Бироқ, унинг учун тадбиркордан тажриба, омилкорлик, бозор қонуниятларини билиш талаб этилади. Қачонки, тажриба ва омилкорлик билан иш юритган, бозорни ўрганган одам бу соҳада яхши натижага эришади.

Балиқчилик хўжаликлари қанча кўп бўлса балиқ шунча мўл ва арзон бўлади.

Шухрат СУЯРОВ, ЎЗА мухбири.

Қашқадарё вилояти

Сарчашмада таълим масканлари яхшиланмоқда

Шаҳрисабз туманининг Сарчашма қишлоғида тарбия соҳасига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган фидойи инсонлар кўп

Киром Остонов, Ҳасан Мирзоев, Муҳиддин Ибодов, Намоз Чоршанбиев, Иноят Қурбонов, Павлена Чувашева каби мураббий, устозлар шулар жумласидандир. Бугунги кунда боғча ёшидаги болалар таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Қишлоғимизда ана шундай амалий ишларнинг ёрқин намунаси сифатида замонавий, икки қаватли мактаб, шифохона, кутубхона ва иккита болалар боғчаси барпо этилиб, халқимиз истифодасига топширилди.

Мактабгача таълим ташкилотининг мухташам биноси қурилишида болалар боғчаси мудирини Абдулло Норовнинг хизматлари беқиёс. Унинг тинимсиз ҳаракатлари туфайли иккита болалар боғчаси замонавий услубда ишлаб келмоқда. Эски боғча таъмирланиб, хоналари кенгайтирилган эди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб, 40-

45 ўринли боғча 100 нафар бола учун мослаштирилган. Икки нафар ишчи ўрнига 10-12 нафар одам иш билан таъминланди. Қишлоғимизнинг аҳолиси ўсиб бормоқда. Мингдан ортиқ хонадон бор. Агар ҳар тўрт хонадондан битта бола боғчага қатнайдиган бўлса, 250-300 нафар болани ташкил қилиши аниқ. Мазкур муаммо масъуллар ёрдамида Абдулло Норов ташаббуси билан ҳал қилинди. 2021 йил 1 июн кунини мактабгача таълим муассасаси тўлиқ замонавий тарзда ишга туширилди. 120 ўринли икки қаватли боғча қишлоғимизнинг кўрקי бўлиб, тез ва сифатли қад ростлади, 30 киши иш билан таъминланди.

Биз, фахрий нуронийлар дуога қўл очиб, фидойи инсонлар саломатлиги мустаҳкам бўлишини тиладик.

Шерали ЙЎЛДОШЕВ

Эълон

“DUSTLIK” АЖ акционерларининг 2023 йил 27 январдаги умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ўз фаолиятини тугатилишини маълум қилади. Жамиятнинг кредиторларидан ўз даъволарини 2023 йил 27 март санасигача Тошкент шаҳри Яшнабод тумани Мумтоз кўчаси 5-уй ёки a.ulgurov-tashov@mail.ru. электрон манзилига йўллашлари сўралади. 2023 йил 27 январдан кейин даъволар қабул қилинмайди. Телефон: 90 189 47 36. Тугатиш бошқарувчиси.

Ўзсаноатқурилишбанк тизимида “ЗАКОВАТ” ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎЙИНИНГ ИЛК МАВСУМИ СТАРТ ОЛДИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “SQB Zakovat” интеллектуал ўйинининг очилиш маросими ҳамда дастлабки ўйини ўтказилди

Президентимизнинг 2022 йил 20 январдаги “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди иқтидорли ёшларнинг мантиқий билимларини ошириш, уларни саралаш ва интеллектуал ўйинларга кенг жалб қилиш орқали аҳолининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган вазифалар белгиланди.

Ўзсаноатқурилишбанк тизимида ходимлар тафаккури ва салоҳиятини ошириш, замонавий билимга эга кадрларни қўллаб-қувватлаш ҳамда жамоа ўртасида китобхонлик ва бирдамликни янада кучайтириш мақсадида ташкил қилинган “SQB Zakovat” интеллектуал



ўйинига қайта старт берилди.

– “SQB Zakovat” интеллектуал ўйини уч йилдан буён Президентимиз томонидан илгари сурилган ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган беш ташаббус доирасида ўтказиб келинади, – дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Ходимларни бошқариш департамен-

ти директори ўринбосари А.Нодиров. – Илк мусобақани коронавирус пандемияси даврида Zoom платформаси орқали ўтказдик. Мақсад – ходимлар бўш вақтини оқилона ўтказиш эди. Натижалар кутганимиздан ҳам аъло даражада бўлди. Жамоада билимли, алоҳида салоҳиятли, шижоат ва фидойиликда ўрнатқучи ёш кадрларимизни қайта кашф қилдик.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Президентимиз 2017 йилдаги Тошкент вилоятига ташрифи чоғида Олмалиқ шаҳар болалар шифохонасидаги ҳолат билан ҳам танишган эдилар. Шубҳасиз, бу масканнинг шу даврдаги ҳолати Юртбошимизни қаноатлантирмагани.

Дил изҳори

Замонавий муассасанинг ЗАМОНАВИЙ ШИФОКОРЛАРИ

Натажада уни тубдан таъмирлаш, замонавий тиббий анжомлар билан таъминлашга кўрсатма берилди ва натижада бугунга келиб мазкур тиббиёт муассасаси юртимизнинг замонавий масканларидан бирига айланди. Мен шу ҳудудда яшаб, бу ўзгаришларни ўз кўзим билан кўриб турдим. Албатта, четдан қараганда бу ўзгаришлар оқибати улуроқ бионинг ташқи қиёфасидаги замонавийликни ва унинг атрофидаги ободончиликни яққол кўрасиз. Унга ва бу маскандаги шифокорлар хизматида муҳтож бўлган, иши тушган инсон эса бу ердаги тиббий жиҳозларнинг замонавийлигидан, тиббиёт ходимларининг малакали хизматидан мамнун бўлади.



шарт-шароитлар яратилган, шифохона ходимларининг ҳам ишида юксак самара бўлишини шу муассаса мисолида кўриш мумкин. Касалхона раҳбариятидан тортиб, ҳамширагача бемор болалар билан чиройли муомалада бўлишди. Бош шифокор Сайёра Дадабоеваннинг бу масканда беморлар дардига малҳам бўлиб келаётганига 37 йилга яқинлашибди. 2014 йилдан буён бош шифокор вазифасида фаолият юритади. Бу давр уни бу масканга ўз уйидек, жамоани ўз оиласидек қилиб жипслаштирган. Умуман, шароит тақазосими, бу ерда тажрибали шифокорларнинг кўпи шу масканда ўз тажрибаси ва малакасини оширган. Қизимга даъво қўллаган Зухра Рашидова, Фахриддин Араббоев, Аббор Холмуродов, Шахло Йўлдошевлар шундай тажриба соҳиблари экан. Масканга фарзандимни олиб келишим биланоқ шифокор Шахло Йўлдошева меҳрибонлик билан жамоала чораларини белгилаб, қизим Ҳалимаҳонини ўз назоратига олди. Мен унинг иши беморларга ёндашувидан мамнун бўлдим. Шунда билимимки, қачонки шифокор беморга, айниқса, ёш болага меҳр билан қараса, самара тез ўзини кўрсатаркан. Болам шифо топиш билан бир қаторда меҳр оғушида бўлди бу шифокор кўлида. Умуман, бу масканда шундай иш тажрибасини сездим. Бу сэмий хислатни ҳар бир тиббиёт ходимиди хил қилдим. Бу эса бемор болаларнинг тез соғайишига сабаб бўлмоқда.

Махлюё АРСЛОНОВА, Олмалиқ шаҳар Ибн Сино маҳалласи фуқароси.



Мазкур 90 ўринли тиббиёт муассасасидан фарзандим шифо топиб чиқди. Масканда 252 нафар тиббиёт ходими фаолият юритади. Шифокорларнинг 9 нафари олий тоифага эга. Қолган шифокорлар ва юздан ортиқ ҳамшираларнинг аксариди тиббиёт соҳасида катта иш тажрибаси бор. Тиббий жиҳозлар, хусусан, ташхис қўйиш ва муолажада фойдаланиш жиҳозлари бемор болаларнинг ҳеч қийналмасдан ва сифатли даъво топишига хизмат қилапти. Бир замонлардаги-дек беморларга тўғри ташхис қўйиш ёки маълум бир тиббий аппаратлардан фойдаланиш учун пойтахтдаги муассасаларга жўнатишга деярли чек қўйилган. Сабаби, ақсар жиҳозлар таъмирдан сўнг бу ерда ҳам муҳайё қилинди. Етарли

Korxonalar rahbarlari va hisobchilari diqqatiga!



- ✓ Mikrofirmalar va kichik korxonalar tomonidan 2022-yil uchun 1- kvartal yillik statistika hisobotini joriy yilning 27-fevralidan kechiktirmasdan;
✓ Chet el investitsiyalari va xorijiy sarmoya ishtirokidagi mikrofirmalar va kichik korxonalar esa 27-martdan kechiktirmasdan taqdim etishlari so'raladi.
✓ Bunda sizdan elektron ko'rinishda estat-4.0 orqali avtomatlashtirilgan axborot tizimi va elektron raqamli imzodan foydalanilgan holda hisobotlarni o'z vaqtida hamda sifatli topshirishingizni so'raydi.

Тузатиш

Газетанинг 2023 йил 2 февраль (5-)сониди берилган “UNIVERSAL GIGANT GROUP” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Сарлавҳали эълоннинг “Аукцион савдоси 2022 йил 6 март куни соат 10:00 да Самарқанд вилоят, Иштихон тумани, Митан шаҳарчаси «MITAN PAXTA TOZALASH» АЖнинг мажлислар залида бўлиб ўтади. E-mail:sher.turaev@gmail.com” жумласи “Аукцион савдоси 2023 йил 6 март куни соат 10:00 да Самарқанд вилояти Иштихон тумани Митан шаҳарчаси «MITAN PAXTA TOZALASH» АЖнинг мажлислар залида бўлиб ўтади. E-mail:sher.turaev@gmail.com” деб ўқилсин. Укувчилардан техник хато туфайли узр сўраймиз. “UNIVERSAL GIGANT GROUP” МЧЖ раҳбарияти.

Банк ахборот хизмати

## БИЗДАН КЕЛАЖАК АВЛОД УЧУН ҚЎЛЁЗМА АСАРЛАР ҚОЛАДИМИ?

Тарихда яшаб ўтган буюк ёзувчи, шоирларнинг қўлёзма асарлари бугун қаерда сақланишини биламизми? Техника-технология асрида биздан келажак авлодга қандай хотиралар қолади?



Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Алишер Навоий номидаги  
Давлат адабиёт музейи  
директори, филология  
фанлари доктори, профессор  
Жаббор ЭШОНҚУЛ билан  
қилган суҳбатимиз шу  
мавзуда бўлди.

– Ушбу музейнинг бошқа музейлардан фарқи жиҳати нимада?

– Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи Ўзбекистондаги энг қадимий музейлардан бири саналади. У ҳам музей, ҳам илмий муассаса. Кучли навоийшунос, матншунос олимлар шу ерда фаолият юритган, қўлёзмалар тадқиқ қилишган.

Музей биноси 1934 йилда қурилган. Дастлаб, Алишер Навоий анжуманига тайёргарлик муносабати билан кўрғазма сифатида ташкил этилган. Бу кўрғазмага фольклоршунос олим Ҳоди Зарипов раҳбарлик қилган. Кейинчалик 1968 йилда музей тамомила янги ташкил этилган. Музейга таниқли олим Ҳамид Сулаймон директорлик қилган йиллари Ўзбекистонга энг кўп қўлёзмаларни АҚШ, Франция, Англия, Эрон ҳамда Туркия каби дунёнинг турли мамлакатларидан айнан шу олим олиб келган. Ҳозирги кунда музейимизда 3 мингга яқин ноёб қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланади. Бу нодир қўлёзма ва тошбосмалар асосан Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби алломуларимиз мероси билан боғлиқ.

– Ҳозирги пайтда Навоийнинг қайси нодир қўлёзмалари сақланипти?

– Навоийнинг Америкада сақланаётган 1500 йилдаги "Бадоеъ ул-бидоя" номли қўлёзмасини янгилик сифатида шов-шув қилишди. Дунёнинг турли бурчақларида янгидан-янги қўлёзмаларнинг топилаётгани ва олиб кирилаётгани яхши, албатта. Бу қўлёзма ҳақида ўз даврида Ҳамид Сулаймон маълумотлар берган. Бироқ, шуни айтиш керак, ҳозирча бизга маълум маълумотларга кўра, Алишер Навоийнинг "Бадоеъ ул-бидоя" асарининг энг мукамал

қўлёзмаси бизнинг музейимизда сақланади. Бу асарни Али Ибн Нур исми хаттот Навоий ҳаётлиги пайтида 1486 йилда Ҳиротда кўчирган. Бу ўз даврининг хаттотлик санъатини юксак намунаси деб аташимиз мумкин. Биздаги қўлёзма Америкадагидан қадимийроқ. Хусниҳати ҳам жуда чиройли кўчирилган.

Қўлёзма Навоийнинг ҳаётлиги чоғида бунинг устига Ҳиротда кўчирилганини инobatга оладиган бўлсак, демак бу қўлёзма билан Алишер Навоий яхши таниш бўлган. Қолаверса, Ҳамид Сулаймондек олим бу қўлёзмага катта баҳо берган ва бошқаларга нисбатан мукамал, деб ҳисоблаган.

Биз бу асарнинг факсимил нашрини Туркиялик адабиётшунослар билан ҳамкорликда амалга оширишни режа қилганмиз.

Музейдаги мавжуд қўлёзмаларнинг факсимил нусхасини хорижлик олимлар билан ҳамкорликда нашр этиш тажрибаси музей ходимларида бор. Илгарироқ Маҳмуд Замахшарийнинг "Муқаддиму-л-адаб" қўлёзмаси Японияда япон олимлари

билан ҳамкорликда чоп этилган. Дунёда лугатлар кўп. Бироқ, тўрт тилдаги лугатлар кам. "Муқаддиму-л-адаб" қадимги турк, араб, форс ва мўғул тилларида тузилган. Бу асар ҳам дунёдаги энг нодир қўлёзмалардан бири ҳисобланади.

– Музейда замонавий ижодкорларнинг қўлёзма асарлари ҳам борми?

– Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўтган аср бошига оид қўлёзмалари, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби шоирларимизнинг нодир қўлёзмалари музейнинг шоир ва ижодкорлар архивида сақланади.

Ҳамид Олимжоннинг ўз даврида бахшилар билан айнаса, Фозил Йўлдош ўғли билан ижодий ҳамкорлиги бўлган. Шоирнинг бахшига аталган "Фозил бахшига" деган шеъри бор. Бу тўпламлар "куйчиға" номи билан машҳур.

Ҳамид Олимжон Фозил Йўлдош ўғлининг "Алпомиш" достонини Маҳмуд Зариповдан ёзиб олинган қўлёзма асосида илк марта нашрга тайёрлаган. Ҳамид Олимжон

ёзув машинкасида кўчириб, устидан ишлаб, нашрга тайёрлаган нусхалари достоннинг нашри билан боғлиқ жараёнларни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Мақсуд Шайхзода "Жалолиддин Мангуберди" драмасининг бир неча қўлёзмалари шоир меросини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Иқтидорли ёш олим Жавлон Жовлиев адибнинг музейдаги қўлёзмалари асосида илмий ишини ўтган йил муваффақиятли ҳимоя қилди.

Кейинги йилларда Рауф Парфи, Бахтиёр Назаров, Азиз Қоюмов, Тоҳир Малик, Омон Матжонларнинг архивларини олдик.

– Қўлёзмалар нималарни исботлайди?

Дастхатга қараб одамнинг характери, сўзга муносабатини билиш мумкин. Ёзувда одамнинг қандайлиги кўринади. Мисол учун, Ҳамид Олимжон араб, лотин, кирилл имлосида жуда ҳам чиройли ёзган. Ёки Ҳоди Зариповнинг қўлёзмалари ҳақида гапирадиган бўлсам, у ҳам лотин, араб тилида жуда чиройли, мукамал ёзган.

Қўлёзмалар хаттотлик ва китобат санъати нақадар кўкка кўтарилганидан далолат беради. Ота-боболаримиз китобга, ёзувга қандай муносабатда бўлганини билиб оламиз. Ўқувчини зериктирмаслик учун китобнинг оддий безаги, жилдидан тортиб, ҳар битта саҳифаларини безаган. Ҳар бир қўлёзмага қандай ҳарфда ёзилиш кераклиги танланган. Қўлёзмалар ўша давр руҳини ёритиб туради. Ҳарфларда тирик инсонни кўриб тургандек бўласиз гўё.

– Бугунги кунда музейда 2 мингдан ортиқ нодир қўлёзмалар бор экан. Хўш, келажак авлод учун қўлёзмалар қолади, деб айта оламизми?

– Худди шу савол ҳозирги кунда биз адабиётшунослари ўйлантирапти. Бугунги кунда ижодкорлар кундалик ёзмай қўйди. Ижодкорлар қанчалик компьютердан фойдаланмасин илк қўлёзмаларини дафтарга

муҳраб, кейин компьютерга кўчиришлари керак.

– Қайси ижодкорлар ўз қўлёзма асарларини ҳаёт эканликларида музейга тақдим этишган?

– Академик Азиз Қоюмов ҳаётлик пайтида 3 марта қўлёзмаларини топширган. Академик Бахтиёр Назарови узидан ҳаётлик пайтида архивини сўраб олган эдик. Тоҳир Малик ҳам ҳаётлик пайтида топширган.

Музейимиз ҳар йили янгиланиб бориши керак. Академик Наим Каримов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов қўлёзмаларини олишни хоҳлардик. Чунки, бу нафақат республикамизда, балки Ўрта Осиёда ягона давлат адабиёт музейи. Бу музейда бутун адабиёт тарихи, бугунги адабий жараён ҳам ўз ифодасини топиши керак.

– Мана шу архивларга таяниб, қайси ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди чуқурроқ ўрганилиши керак, деб ўйлайсиз?

– Музейдаги ҳар бир ижодкорга тегишли архив ҳужжатлари синчиқлаб ўрганилиши керак, деб ўйлайман. Мисол учун, Ҳамза ни олайлик. Ҳамзанинг ижоди ўз даврида адабиётшунос олим Лазиз Қоюмов томонидан ўрганилган. Бироқ, ёндашув тамомила бошқа бўлган. Менинг назаримда, Ҳамзага ўхшаган ижодкорлар мероси бугунги кун ухшати назаридан, архив ҳужжатларига суянган ҳолда қайтадан ўрганилиши керак. Ҳамза катта шоир, давлат ва жамоат арбоби, ташкилотчи, буюк драматург бўлган. Баҳодир Йўлдошев унга жуда катта баҳо берган эди. Абсурд театр куртакларини айнан Ҳамзанинг драмаларида кўрамиз. Унинг шеърлари ўзгартирилган ҳолдагиларини ўқитамиз. Лекин асл ҳолдаги қўлёзмалар тамомила бошқача бўлиши мумкин.

Музаёна Алавия, Миртемир, Асқад Мухтор каби ижодкорларимиз мероси ҳам ҳар томонлама ўрганилишни тақозо этади.

Адабиёт музейи архивида 60 мингдан ортиқ шоир ва ижодкорларимизга оид ҳужжат бирликлари сақланади. Бу ҳужжатлар шунчаки ҳужжат эмас. Улик қоғозлар ёхуд рақамлар эмас, балки шоир, ёзувчи, адабиётшунос олимларимиз ҳаётининг муҳим бир парчаси, адабиётимиз тарихи, миллий маънавиятимиз тарихининг бир бўлагидир.

ЎЗА МУХБИРИ  
НИГОРА РАҲМОНОВА  
суҳбатлашди.

### Бир асрлик тарих

Хоразм ўзининг бой тарихи, маданияти, санъати билан бутун дунёга маълуму машҳурдир. Хоразм мақомлари, "Лазги"си жаҳон мулкига айланган. Воҳада театр санъати ҳам шундай ривожланган бўлиб, Хоразм мусиқали ва драма театри республикамиз театрлар орасида етакчи ўринларда туради. Ушбу муҳташам даргоҳнинг иш бошлаганига юз йил тўлди. Унинг тарихи 1922 йилдан бошланади.

Театрнинг босиб ўтган шонли йўлига назар ташласак, отахон театр 1922 йил 22 апрелда Хива шаҳрида "Ҳукумат театри" сифатида ташкил этилади. "Халқ уйи" номини олган бино театр учун ажратиб берилди. Театрнинг ижодий жамоасига таниқли халқ талантлари жамланиб, унинг илк режиссёри Муҳаммад Шариф Полванов эди. "Ҳукумат театри" ўз фаолиятини кичик сахна асарларини саҳналаштиришдан бошлади. Кейинчалик тўлақонли драматик асарларни саҳналаштиради ва халқ орасида ҳурмат топади. Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи", "Хива инқилоби", "Тухматчилар жазоси", "Заҳарли ҳаёт", Маннон Уйғурнинг "Фарғона фожялари", "Туркистон табиби", Ғулум Зафарийнинг "Эрк болалари" каби пьесалар сахнага олиб чиқилади. 1923 йилда Хивада биринчи марта Фотийх Бурношнинг "Тоҳир ва Зухра" асарининг сахнага кўйилиши Хоразм сахна санъатининг катта ютуғи бўлди. Театрнинг илк устунлари қаторида Муҳаммад Юсуф Харратов, Мадрахим Ёқубов (Шерозий), Комилжон Отаниёзов, Қадам Қутлиев, Жуманиёз Қаландаров, Шариф Оллоёров, Самандар Сарайманов, Умар Қурбоний, Рўздат Юсупов, Саодат Мухторова, Ҳаётхон Абдуллажонов, Ғани Жалил каби фидойи санъаткорлар номини ҳурмат билан эсга олсак арзийди. 1933 йилда Хоразмнинг маркази Урганчга кўчганлиги муносабати билан театрнинг асосий ижодий жамоаси ҳам Урганчга кўчирилади ва "Хоразм округ давлат мусиқали драма театри" номида фаолият юрита бошлади. Шунингдек, кейинчалик труппага С.Хўжаев, С.Камолов, К.Раҳмонов, В.Фаёзов, С.Девонлов,


## Хоразм мусиқали ва драма театри 100 ЁШДА

Б.Девонлова, Раззоқ Омонов, Охунжон қизиқ Ҳузуржонов, Ҳ.Ғойипова, Н.Юсупова, Р.Бойжонов, Р.Оллаберганов, М.Сафоев сингари истеъдодли актёр ва созандалар, режиссёр ва расомлар, театр ташкилотчиларининг келиб қўшилиши театрнинг янада юксак поғоналарга кўтарилишига, унинг мусиқали драма театрига айланишига сабаб бўлди. Ана шундай катта куч ва имкониятга эга бўлган театр жамоасининг йилдан-йилга репертуари бойиб, сахнада янгидан-янги сахна асарлари намойиш этила бошлади. Жумладан, К.Яшиннинг "Ёндирамиз", "Номус ва муҳаббат", "Гулсара", "Тор-мор",



Н.Сафаровнинг "Уйғониш", Хуршиднинг А.Навоий поэмаси асосида яратган "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" мусиқали драмалари, Х.Ҳ.Ниёзийнинг "Майсаранинг иши" мусиқали комедияси, Уйғуннинг "Ҳаёт кўшиги", "Навбахор", "Олтинқул", А.Қаҳҳорнинг "Янги ер", "Оғриқ тишлар", Б.Раҳмоновнинг "Юрак сирлари", "Сурмахон", О.Ёқубовнинг "Чин муҳаббат", Иззат Султоннинг "Алишер Навоий", Ойбекнинг "Қутлуғ қон", С.Абдулланинг "Муқимий", "Тоҳир ва Зухра", "Алпомиш", Ҳ.Олимжоннинг "Семурғ", Ю.Юсуповнинг "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", Ҳ.Ғулмоннинг "Тошболта ошиқ", М.Каримнинг "Ой тугилган тунда", "М.Ашрафийнинг "Дилором", Шухратнинг "Беш кунлик кувё" комедияси, О.Абдуллаевнинг "Ўн учинчи раис" каби асарлари театр репертуаридан муносиб ўрин олди ва томошабинлар қалбида муҳрланиб қолди. Театрда чет эл ва рус классик драматургиясининг энг

яхши таржима асарларидан К.Горсининг "Маликаи Турондот", Н.В.Гоголнинг "Ревизор", А.С.Пушкиннинг "Хасис рицар", А.Н.Островскийнинг "Сепсиз қиз", "Айбис айбдорлар",



Султонпошша Раҳимова, Бикажон Раҳимова, Мадрахим Бобожонов, Ваҳобжон Фаёзов, Ширин Рамазонова, Гулора Раҳимова, ака-ука Ғулум ва Ғафур Ёшоновлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига Абдушариф Отажонов, Робия Отажонова, Ўроғул Ғойипова, Назира Юсупова, Рўздат Худаёров, Каримжон Исмоилов, Маҳмуджон Сапаев, Анабиби Очилова, Хошим Исмолов, Зайнура Ғафорова, Бекчон Отажонов, Жумабой Нуруллаев ва бошқалар сазовор бўлишган. Булардан ташқари театрда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари ҳам етишиб чиқди. Бир-биридан эса қоларли роллар ижро қилиб, эл орасида хурматга сазовор бўлган актёр Алишер Йўлдошев "Дўстлик" ордени, Одамбой Абдуллаев "Меҳнат шухрати" ордени билан муфотланган. Театр ижодий жамоаси 2014 йилда "Дебют-2014" Республика театрларининг кўрик-фестивалида драматургия йўналиши бўйича режиссёр А.Йўлдошев томонидан саҳналаштирилган "Палахмон тоши" мусиқали комедияси билан иштирок этди ва диплом билан тақдирланди. 2018 йилда эса режиссёр Ж.Сотиболдиев томонидан саҳналаштирилган Э.Самандаровнинг "Султон Жалолиддин" тарихий драма билан "Дебют-2018" Республика театрлари кўрик-фестивалида иштирок

этиб, фахрли ўринларга эга бўлди.

Президентимиз 2017 йилнинг 15 октябр кунини ушбу масканга ташриф буюриб, театрнинг таъмирлаш ишлари билан танишди ва театр директори Динора Ибрагимова билан театр санъатини янада ривожлантириш мавзусида суҳбат ўтказди. 2018 йилнинг 23-24 апрель кунлари Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи давомида Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарлари Хоразм вилояти мусиқали драма театрига ҳам ташриф буюридилар. Театрда икки давлат раҳбарлари ташрифи бағишланган "Дўстлик" концерти дастурда Туркменистон ва Ўзбекистоннинг таниқли санъаткорлари, фольклор ансамбллари иштирокида икки халқнинг бетақдор санъати намойиш этилди.

Театр ижодий жамоаси 2019 йил 27-30 апрель кунлари Туркия давлатининг Адана шаҳрида ўтказилган Сабажи театрининг 21-Халқаро фестивалида Эркин Самандаровнинг "Султон Жалолиддин" тарихий спектакли билан иштирок этди ва турк томошабинлари, театр ихлосмандлари эътиборини қозонди. "Туркоиймаданият" Халқаро фестивал ташкилотчилари томонидан эсталлик совғалари ва ташаккурномалар билан тақдирланди.

Театр жамоасининг бундай учрашувлари ва гастрол сафарлари ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Хоразм мусиқали ва драма театри 100 ёшга тўлиши муносабати билан воҳалик журналист Қахрамон Собуровнинг "Хоразм театри анъана ва изланишлар" номли китоби нашр этилди. Унда муаллиф театрнинг бир асрлик тарихига назар ташлайди.

Бир асрлик ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтган отахон театр ижодкорлари бугунги кунда ҳам замон билан ҳамнафасликда ижод қилиб, қатор сахна асарлари билан томошабинларни хурсанд қилишмоқда.

Болабой МАТҚУРБОНОВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.

### Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда  
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

### Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,  
Муҳаммаджон ТОШБОЛАЕВ,  
Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,  
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),  
Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.  
Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.  
НАШР ИНДЕКСИ – 144.  
Буюртма Ғ-240. 2701 нусхада чоп этилди.

Манзиллими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93,  
95-080-43-70, 99-050-69-45.  
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.  
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоиси келишилган нарҳда.



ISSN 2010-7021  
1772010702007  
Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 18.10